
Туман ҳокими ва сектор раҳбарлари 50 нафар битирувчига олтин ва кумуш медалларни топширдилар

30 июнь - Ёшлар куни Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ўқувчилар, спорт, маданият, санъат соҳаларида турли танловлар ҳамда мусобақаларда муносиб ютуқларга эришган иқтидорлилар ва уюлмаган ёшлар вакиллари билан учрашди.

Тадбирда сектор раҳбарлари, туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлими мутасадди ходимлари, устоз-мураббийлар, ёшларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар ёшларга оид давлат сиёсати асосида навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, спорт ва бошқа йўналишларда истеъдодини намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин топиши йўлида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Туман раҳбари ёшларни байрам билан қизғин муборакбод этиб, уларга ўз мурожаатини йўллади.

Учрашувда тумандаги умумтаълим мактабларини тамомлаган энг иқтидорли ўқувчиларнинг 38 нафари олтин ва 12 нафари кумуш медаль билан тақдирланди.

2021-07-01 17:59:49